

6-10-2020

IMPROVING STUDENTS ' SPEAKING SKILLS IN GERMAN LANGUAGE TEACHING

Anora, Mamatova
teacher of FerSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mamatova, Anora, (2020) "IMPROVING STUDENTS ' SPEAKING SKILLS IN GERMAN LANGUAGE TEACHING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 6 , Article 56.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss6/56>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

IMPROVING STUDENTS ' SPEAKING SKILLS IN GERMAN LANGUAGE TEACHING

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLII VA ЎRTA MAHSUS
TALIM VAZIRLIGI**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 6 сон

НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматова Анора, ФарДУ ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада олий таълимда немис тилини ўқитишда талабаларнинг нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг воситалари, омиллари, таълимий ўйинлар ҳақида сўз юритилади. Немис тилини ўқитишда талабаларга қўйиладиган малака ва кўникмалар мазмуни, нутқ маданиятини шакллантиришда қўлланадиган воситалар, оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш усуллари таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: олий таълим талабалари, немис тилини ўқитиш, кўникма ва малакалар, нутқ кўникмаси, таълимий ўйинлар, замонавий педагогик технологиялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАЗГОВОРНЫХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ НЕМЕЦКОМУ ЯЗЫКУ

Маматова Анора, преподаватель ФерГУ

Аннотация: В статье рассказывается об инструментах, факторах, развивающих играх для развития речевых навыков студентов при обучении немецкому языку в вузе. Анализируется содержание квалификаций и умений, которые предъявляются студентам при обучении немецкому языку, средства, используемые при формировании культуры речи, методы развития устной речевой компетенции.

Ключевые слова: студенты высших учебных заведений, обучение немецкому языку, навыки и квалификация, навыки говорения, развивающие игры, современные педагогические технологии.

IMPROVING STUDENTS ' SPEAKING SKILLS IN GERMAN LANGUAGE TEACHING

Mamatova Anora, teacher of FerSU

Abstract: The article talks about the tools, factors, educational games for the development of students ' speaking skills in teaching German in higher education. The content of the qualifications and skills that are put on the students in the teaching of the German language, the tools used in the formation of the culture of speech, the methods for the development of oral speech competence are analyzed.

Key words: students of higher education, teaching German, skills and qualifications, speaking skills, educational games, modern pedagogical technologies.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усуллари жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва

кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий чоралар»[1,244] Бутунжаҳон Декларацияси доирасида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг нутқий кўникмаларини Умумевропа стандарти CEFR (Common European Framework of Reference for Languages) халқаро даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий-маданий компетентлиги даражасини оширишда веб-квест технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш методларини жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда чет тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий-лингвистик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, тил ўрганиш малакаларини узлуксиз оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришга доир илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Талабаларнинг нутқий кўникмаларини шакллантиришнинг янги моделларини жорий қилиш, шунингдек, уларнинг етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ахборот излаш, чет тилида профессионал мулоқот қилиш учун эгалланган билим ва кўникмаларини тизимлаштириш ҳамда таълим жараёнига инновацион ўқитиш усулларини татбиқ қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, нофилологик таълим йўналиши талабалари ўзга тилли нутқини ижтимоий-маданий билимлар контекстида такомиллаштириш, айниқса, немис тилини ўқитиш ва нутқий кўникмаларини такомиллаштириш давлат таълим сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида илмий изланишларнинг мустақил йўналиши ҳамда педагогика фани олдида турган долзарб вазифалардан бири саналиб, бу ёндашув нофилологик таълим йўналиши талабаларига чет тили ўқитишни ижтимоий-маданий билимлар контекстида йўлга қўйиш заруратини белгилайди.

Мустақиллик йилларида мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш учун зарур моддий-техник шарт-шароитлар яратилди. Натижада, педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотни яратиш ҳамда ундан таълим жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланишга эришилди. Республикамизда хорижий тажрибаларга асосланган халқаро стандартларга мос дастурлар ишлаб чиқилди, моддий-техник база мустаҳкамланди, хорижий тил ўқитувчиларидан тренерлар тайёрланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларни яратиш»[2] устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг нутқий кўникмаларини ижтимоий-маданий компетентлик контекстида такомиллаштириш қуйидаги ёндашувларни қўллаш имконини беради:

1) **компетент (компетенциявий) ёндашув** касбий билим, малака ва кўникмаларнинг яхлит тизимини ва таълим олувчиларнинг шахсий масъулиятини шакллантиришга ёрдам беради;

2) **шахсга йўналтирилган ёндашув** ҳар бир талаба билимларни мустақил ўзлаштириши ва амалда қўллаши, ўз фаолиятини режалаш-тириши, унинг натижаларини таҳлил қилиши ва баҳолаши, жамоада ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш кўникмаларининг шаклланиши учун шароит яратишни назарда тутади;

3) **коммуникатив-когнитив ёндашув** муаммоли нутқий ва ижодийвазифалар лингвистик, репродуктив-машқ қилиш вазифаларидан устун бўлишини назарда тутади;

4) **тизимли ёндашув** ўзаро алоқадор малакаларни тадқиқ қилиш, тизим ва муҳитнинг ўзаро муносабати, тизим учун характерли бўлган поғонавийлик характерини ўрганиш, тизимни тўлиқ қамраб олиш мақсадида ифодаларнинг кўп вариантлилигини таъминлаш, тизимдаги динамикани ўрганиш, ривожланаётган яхлитлик деб тавсифлашга қаратилган.

Олий таълим муассасаларининг нофилологик йўналишларида хорижий тиллардан бири немис тилини ўқитишда талабаларнинг оғзаки нутқи кўникмаларини ривожлантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Нофилологик йўналишларда немис тилидан сабоқ олаётган талаба давлат таълим стандартида белгиланганидек, шу тилдаги имло ва тўғри талаффуз меъёрларини билиши, луғат бойлигига эга бўлиши, услубий меъёрларни билиши талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” га кўра олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича В2 даражани эгаллашлари лозим[3,5]. Бу меъёрларни ўзлаштирган талаба бўлғуси мутахассис сифатида нутқий фаолиятида ёки касб соҳасида амалиётда қўллай билиши зарур бўлади.

Ўтмишда тил ўргатишда асосан грамматикани ўзлаштириш талаб этилган ва барча дарсликлар ҳам шу мақсадга қаратилган ҳолда тузиларди. П.Глезер ва И.Петцольднинг йигирма мартадан ортиқ нашр қилинган немис тили дарслигида қуйидаги гапларни таржима қилиш тавсия этилган: Биз Фридрих Шиллер ва машҳур Гётенинг асарларини ўқиймиз. Петербургда Екатерина II ва Буюк Пётр хайкаллари бор”. Текстдан кейин эса немисча ўқимоқ, асар, машҳур, Петербург, бор, хайкал, буюк каби таржима қилишда фойдаланиладиган барча сўзлар берилган [4,9]. Кейинчалик эса ҳар иккала муаллиф дарслиklarининг сўнгги нашрлари оғзаки нутқни ўргатиш вазифалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилди, уларга ўқиш учун шеърлар, диалоглар киритилди [4,27].

Талабаларнинг нутқ кўникмаларини шакллантиришда олий таълим ўқитувчисидан билимдан ташқари касбий маҳорат талаб этилади. Олий таълим

талабаларининг немис тилида оғзаки нутқини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан, ахборот технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. Талабаларнинг немис тилидаги нутқ кўникмаларини шакллантиришда маданий нутқ мезонларига амал қилиш талаб этилади. Тилшунос мутахассисларнинг белгилашига кўра, маданий нутқ мезонлари қуйидагилар: 1. Нутқ тўғрилиги. 2. Нутқнинг аниқлиги. 3. Нутқнинг софлиги. 4. Нутқ бойлиги. 5. Нутқнинг ифодалилиги. 6. Нутқ мантиғи. 7. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги [5,56-58].

М.Берлиц чет тилларини ўқитишда қуйидаги қоидаларни ишлаб чиққан эди: 1. Ўқитишда она тилини қўлламастик, тил ҳодисаларини эса таржимага мурожаат қилмай, бевосита идрок этиш лозим. Тил ҳодисаларининг маъносини турли хил кўргазмали қурол, контекст ёки таърифлашлар ёрдамида очиб бериш керак. 2. Барча тил материали фақат оғзаки берилиши зарур. 3. Ўқув материали ўқитувчига тақлид қилиш процессида таққослаш принциpidан кенг фойдаланиб мустақамланиши зарур. 4. Ўқувчиларнинг активлашувига имкон берувчи, тилни табиий ўрганишга энг яқин иш формаси деб ҳисобланиши керак[4,42].

Маълумки, оғзаки нутқ одатдаги товушли ва сўзлашув нутқи бўлиб, бу нутқ кўпроқ оҳанг ва турли имо-ишоралар билан алоқадордир. Унда мураккаб грамматик қурилмалардан фойдаланилмайди. Бу нутқда фикрни ихчам ифодали етказиш мақсадида тўлиқсиз гаплардан ҳам фойдаланилади. Нутқнинг бу тури бир ва бир неча киши томонидан амалга оширилади.

Нофилологик йўналишларда немис тили дарсларида талабаларнинг оғзаки нутқини ўстиришда тадқиқот методини қўллаш самаралидир. Хусусан, топшириқлар тузишда талабаларни ижодий ишлашга йўналтириш мумкин.

Ҳозирда дарсларда моделлаштириш (тренировка), намойиш қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, танқидий тафаккур, дебатлар, нуқтаи назаринг бўлиш, бир-бирига ўргатиш, ролли ўйинлар, муайян ҳолатни ўрганиш, модификацияланган маъруза каби турли инновацион усуллар мавжуд.

“Кичик гуруҳларда ишлаш”. Бу усулда ҳар бир талаба дарсда фаол иштирокчи, бошловчи, бир – биридан ўрганувчи, турли нуқтаи назарларини қадрлашни ўрганади. Қўллаш усули: 1. Фаолият йўналиши аниқланади, муаммодан бир – бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. 2. Керакли асос яратилади, ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим. 3. Гуруҳлар белгиланади. 4. Аниқ кўрсатма берилади. 5. Қўллаб – қувватлаб йўналтириб турилади. 6. Муҳокама қилинади.

Немис тилини ўқитишда нофилологик йўналишларда, луғат бойлиги кам бўлган дастлабки ўқув босқичида класстер, Венн диаграммаси, ақлий ҳужум, БББ стратегияси, Т- чизма каби усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаммоли таълим технологияси, «стол ўртасидаги ручка» усули, «бумеранг» технологияси, “қарорлар шажараси” методи, нуқтаи-назарни танлаш - бурчаклар усули нисбатан мураккаб ҳисобланади.

Оғзаки нутқни ривожлантиришида таълимий ўйинларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, таълим жараёнида қўлланилган ҳамда ўқув машғулотида мувофиқ келадиган, талабаларни фаоллаштиришга йўналтирилган

ўйинларгина таълимий ўйин бўла олади. Клеппин ўйинли ҳодисаларнинг биринчи планида ўйин мақсадлари туриши кераклигини, ўйин учун иштирокчиларнинг ёшлари ҳисобга олинишини таъкидлаб ўтади. Нофилологик йўналишларда немис тилини ўқитишда ролли ўйинлардан фойдаланиш ҳам самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, немис тилини ўрганаётган талабаларнинг лисоний (тилга оид), нутқий ва ижтимоий компетенциялар муҳим ўрин тутди. Уларга немис тилини ўқитиш назарияси ва амалиётида талабаларнинг нутқий кўникмаларини такомиллаштириш ижтимоий-маданий компетенциянинг асосий элементлари саналган компетенцияларга асосланади, уни шакллантириш немис тилини ўрганаётган талабаларни немис тилида сўзлашувчи давлатлар кадриятлари билан таништиришни таъминлайдики, бу касбий-педагогик фаолиятни ижтимоий-маданий компетенция контекстида самарали амалга оширишга кўмаклашади.

Талабаларнинг немис тилидаги нутқий кўникмаларини такомиллаштириш янада муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашадиган инновацион шарт-шароитлар, ижтимоий-маданий компетенция аниқланди. Талабаларнинг нутқий кўникмаларини веб-квест асосида такомиллаштиришнинг назарий таҳлил натижасига асосланган инновацион шарт-шароитлари таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига қизиқишини ошириш, вазиятларни лойиҳалаштириш малакаларини кенгайтириш, аутентик матнлардан фойдаланиш, муаммоли топшириқлар ва талабаларнинг мустақил фаолиятига таяниш, ҳамкорлик муҳитини яратиш, машғулотларда аудитор ва АКТ билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилади.

References:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «XXI асрнинг Олий таълими: ёндашувлари ва амалий чоралари» Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.), CEFR. Learning, teaching, assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. - 244 P.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегия» тўғрисидаги Фармони; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 6-сон, 70-модда.
3. „Chet tili“ (nemis tili) fanidan o‘quv-uslubiy majmua. UrDU 2015. –Б. 5.
4. Муртазаева Н. Чет тили ўқитиш методикасининг ривожланиш мазмуни. Маг.дисс. – Т., 2009. –Б. 9.
5. Қўнғуров Р. ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992. –Б. 56-58.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- | | | |
|---|--|----|
| 1 | On the control problem for the heat transfer equation
Dekhkonov F.N
..... | 3 |
| 2 | Matematikaning ajoyib sirlari
Ergasheva H M, Arslanova N.
I..... | 10 |
| 3 | Method for identification of passing solar radiation through light-transparent enclosure of premises with the insulating heating system in the selection of orientation
Rakhimov E. Y, Muqimova
Z.Z..... | 14 |
| 4 | Морфологические исследования n -Si- p -(SiGe) $_{1-x-y}$ (GaAs) $_x$ (ZnSe) $_y$ гетероструктур
Йулчиев Ш. Х. | 19 |
| 5 | Изучение свойств ротационных состояний ^{156}Gd
Усманов П.Н., Юсупов Э.К., Султонов Б.К.
..... | 23 |
| 6 | Ўзбекистон иқлим шароитида қуёш панелларининг техник характеристикаларини ўзгариш жараёнларини ўрганиш
Одамов У.О., Комилов М.М.
..... | 31 |

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- | | | |
|---|--|----|
| 7 | Antioksidantlar bilan gilos mevasini qayta ishlash
Aripov M.M Mamatov Sh.M, Meliboyev MF, Qodirov
U..... | 45 |
| 8 | Результаты изучения физико-химических свойств технических циркуляционных вод
А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Эргашев | 49 |

03.00.00

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 9 Копсинин ва п4-йод метилат копсинин алкалоидларининг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсири
Юнусов Л. С., Зайнабиддинов А.Э., Усманов П. Б., Адизов Ш.М., Халилов Э.Х., Ахмедов Ф.Ю., Муталипов А.А..... 63
- 10 Сурхон-шеробод ботаник-географик райони флорасига антропоген омилларнинг таъсири.
Ачилова Н.Т, Курбаниязова Г.Т..... 71
- 11 In vitro шароити учун ўсимлик ресурсларини стериллаш асослари
Дехқонов Д.Б, Махмуджонов Д.И 75
- 12 Ўзбекистон флорасида тарқалган *phlomooides labiosa (bunge) adyl., r. kam. et machmedov (lamiaceae, phlomooides)* турини таксономик ва географик таҳлили
Ғуломов Р К..... 80
- 13 Гербарий коллекциялари флористик тадқиқотларда: *helichrysum mill.* туркуми гербарийлари таҳлили
Хужанова Д Н, Хужанов А.Н, Махкамов Т.Х..... 86
- 14 Выделение и количественное определение β -экзотоксина в эффективных штаммах *Bacillus Thuringiensis*
Халилов И. М., Кадырова Г. Х., Халилова Ф. М..... 94

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

- 15 Чор россияситомонидан туркистонга кўчирилган аҳолининг ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи (“туркистон тўплами” материаллари асосида)
Жўраев Х 102

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

09.00.00

ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ

PHILOSOPHICAL SCIENCES

- 16 Хуросон ва ўрта осиеда расмий ислом ва тасаввуфнинг ўзаро муносабатида фалсафий анъаналарнинг ўрни
Эватов С..... 108
- 17 Оилада соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлик
Каримов З.А 112

18	Особенности общественного мнения о деятельности органов внутренних дел Матчанов А. А	117
19	Тарихий – маданий мерос ва миллий ўзликни англаш Қорабоева Д.....	121
20	Фаннинг шахс интелектуал фаолияти билан гармоник ривожланишда инсон ақл қувватининг ўрни (тарихий экскурс) Соипова М. К	129
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
PHILOLOGICAL SCIENCES		
21	Лисоний онг психоллингвистик тадқиқот объекти сифатида Акбарова З.А	134
22	Ўзбек мифологиясида пари образи ва унинг шомон маросимлари фольклоридаги ўрни Жўраев М., Қаяюмов О.	143
23	Ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг лексикографик таҳлили Муҳаммадалиева М	151
24	Хорижий тил ўқитувчисининг коммуникатив компетенциясига қўйиладиган замонавий талаблар Адхамжонов М., Нуриллаев Э.	156
25	Структурно-семантический анализ трехактных глаголов в современном русском языке. Абдурахманов Ф.И	161
26	К вопросу сравнительно-сопоставительного анализа терминологического корпуса подязыков альтернативного топлива и электроники: по данным частотных словарей Галиакберова А.....	166
27	Lexical-stylistic and functional-semantic features of environmental texts Nigmatullina A	170
28	Давр воқеликларининг мифологик образлар воситасида ифодаланиши Нуруллаева С.М	174

29	Rik riordanning “persi jekson va olimpiyliklar” asarida pastish tahlili Xabibullaeva R.	M	179
30	Алишер Навоий лирикасида ибораларнинг услубий жиоллари Ражабова М.Б		183
31	Инглиз ва ўзбек ундош товущлари тизими ва улар орасидаги фарқлар Хайдарова	И.Н	189
32	Тил ва тафаккур муносабатлари масаласига оид мулохазалар. Ахмаджонов О.К		203
33	Навоий сўз сеҳри ва нутқ одоби хусусида Собирова М.Ю.		206
34	Ижодий ёзувни ривожлантиришга ёрдам берувчи омиллар Рахимова М.Э , Мирзакаримова З.		211
35	Бадий онгнинг архаик ёки мифопоэтик тури Рахманов Т.Л		215
36	Особенности эстетической системы в романе ф.достоевского “братья карамазовы” Дусмухамедова З. У, Чжен Е.В.		222
37	Суғдий манбалар ономастикасининг тарихий тилшунослик таҳлили Шаякубов Ш.Ш, Ибрагимов Қ.Д		225
38	Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадий асарлардан фойдаланиш Абдуллаев	К.А	231
39	Nomshunoslikka oid tadqiqot metodlari G’aniyev N.O’		236
40	Ясама сўзни ўрганишнинг морфологик босқичлари Турсунов А. Р		242
41	Паремиологиянинг тил тизимида тутган ўрни Мирзаева Д.	И.	246

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

42	6g simsiz aloqa tizimlari: talablar, texnologiyalar, yo'nalishlar muammolar va tadqiqotlar. Kodirov E.S Umarov X. T.....	252
43	Аҳолини худудий ташкил этилишини ўрганишнинг географик йўналишлари Абдувалиев Ҳ.А	256
44	Талабаларда фаол фуқаролик позициясини жамият тараққиётининг янги босқичи талаблари асосида шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари Эгамбердиева, Т, .Асадуллаева Н.....	262
45	Таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги Чориев И.А	267
46	Ёшларда этноэкологик маданиятни шаклланишида авесто таълимотидан фойдаланиш усуллари Пўлатова Н.Р, Эгамбердиева Т. А.....	272
47	Таълимнинг глобаллашуви шароитида талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик зарурияти Т. Эгамбердиева.....	277
48	Ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг педагогик асослари. Эргашева Д, Тошматова Ш, Ибрагимова Д, Халимова М, Тошпўлатова Д....	283
49	Исследование антропометрических показателей у юношей и девушек республики каракалпакстан Еркудов В.О, Пуговкин А. П, Матчанов А. Т, Розумбетов К.У, Даулетов Р. К, Есемуратова С. П.....	288
50	Сравнительный анализ показателей двигательной подготовленности учащихся среднего школьного возраста с нормативами тестов здоровья “Алпомиш” Усмонов З.Н.....	304
51	Бўлғуси аниқ фан ўқитувчиларини миллатлараро мулоқотга тайёрлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси Жарқинов З У.....	309
52	Рефлексия ва уларни бошланғич синфларда ривожлантириш	314

	Каримова Н.Р.....	
53	Бўлажак чет тили ўқитувчиларида миллатлараро ва маданиятлараро компетенцияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти Махмадждонова М.....	319
54	Мантиқий масалаларни ечиш бўйича бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг математик тайёргарлигини таъминлаш йўллари Мамаджанова М. К.....	325
55	Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг касбий компетенциясисини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлар таҳлили ва уларнинг йўналишлари Мамарасулов А.....	331
56	Немис тилини ўқитишда талабаларнинг нутқ кўникмаларини такомиллаштириш Маматова А.....	336
57	“Nutqida nuqsoni boʻlgan bolalarni ertaklar asosida nutqini rivojlantirish”. Usmonova M.B , Baxriddinov B. R.....	341
58	Pisa халқаро баҳолаш тадқиқотидаги топшириқларга ўхшаш топшириқлар ишлаб чиқиш (табiiй йўналишдаги фанлар мисолида) Маткаримов А М.....	345
59	Oliy ta'limda o'quv jarayonida virtual laboratoriyalardan foydalanish metodikasi Muradova F. R.....	350
60	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг иқтисодий компетентлиги мазмуни ва тузилмаси Нигматова Г. Н.....	354
61	Мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш педагогик муаммо сифатида Пўлатов Ф.У.....	359
62	Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини касбий ривожлантириш Қосимова Ш. Н	365
63	Мактабгача ёшдаги болаларни экологик тарбиялашда узвийлик тамойили	370

Равшанова Н.Н.....	
64 Краткий обзор экспериментального исследования открытой оптической системы для контроля отклонений зданий из железобетонных изделий Райимжонова О.С, Искандаров У У, Азимжонов У. А.....	374
65 Футболчиларни эмоционал стрессларга бардошлилик даражаларини темпераментлар типларига боғлиқлигининг хусусиятлари Сатиев Ш.К., Азизов С.В	378
66 Тадбиркорлик муносабатлари ривожда шахс инновацион фаолиятининг ўрни Сайитхонов А А	385
67 Техника таълим йўналишларида мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси Шаходжаев М А.....	390
68 Физикани ўқитиш самарадорлигини оширишда медиатехнологияларнинг аҳамияти Содиқова Ш.М	396
69 Фаннинг шахс интеллектуал фаолияти билан гармоник ривожланишда инсон ақл қувватининг ўрни (тарихий экскурс) Соипова М.К	401
70 Boshlang`ich sinflarda chet tilini o`qitishda "authentic" materiallardan foydalanishning ahamiyati. Abdullayeva N А.....	406
71 Хорижий тилларни ўқитишда бадиий адабиёт намуналаридан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари Тўхтарова	И 410
72 Хорижий тилларни ўқитишда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг интерактив усуллари Холбекова М.....	414
73 10-12 ёшли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва координацион қобилият кўрсаткичларини ошириш услубияти Ғофуров	А 420
74 Ҳисоблаш усуллари фанини инновацион ўқитишда математик тизимлар	425

Тошбоев С.М	
.....	
75	Генезис и этапы изучения моббинга, буллинга и кибербуллинга в общеобразовательных школах Холдарова Индира..... 431
76	Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчи-ёшларни бизнестга тайёрлашнинг самарадорлиги Файзуллаев У.Т..... 434
77	Ёшларда тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари Умаркулов К.М, Файзуллаев У. Т..... 441
78	Chet tillarini o'rganishda maqsad va qobiliyatlarning rivojlanishi Sultanova Sh. A..... 444
79	Yosh o'qituvchilarning chet tilida o'qitishida motivatsiya berishning zamonaviy usullari va yondashuvlari Yusupova N. N..... 447
80	Инглиз тили билиш даражаси ва маданиятлараро мулоқот қобилияти ўртасидаги боғлиқлик Абдуназарова И. М..... 450
81	O'qitishning asosiy prinsiplari va baholashning muhim qiymati Abduxamidova M. H..... 453
82	Shaxs tarbiyasida axloqiy ehtiyojlanishning ahamiyati Abdullayeva G. A..... 456
83	Таълим сифати ва уни белгиловчи асосий омиллар ва мезонлар Уринов Б.Ж. 469